



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 616-00-02:340.6

АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИК АМАЛИЁТДА УЧРАЙДИГАН ТИББИЙ ХАТОЛАРНИНГ ХУДУДИЙ ВА ЁШГА ОИД ТАСНИФИ (комиссион суд-тиббий экспертиза хулосалари асосида)



Қаландаров Ж.К.

Урганч давлат тиббиёт институти, Патоморфология кафедраси ассистенти.

ORCID: 0009-0008-1815-0257

АННОТАЦИЯ

Ўтказилган комиссион суд-тиббий хулосалар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Хоразм ва Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридаги филиалларида 2020–2024 йилларда олинган акушер-гинекологик комиссион эксперт хулосалари бўйича ретроспектив таҳлил ўтказилди. Олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, клиник ва морфологик параметрлар ўртасидаги боғлиқлик аниқланди ва илмий хулосалар чиқарилди. Тадқиқотимизда ятроген патология аниқланган 40 та ҳолатда уларнинг жарроҳлик, терапевтик, диагностик ва профилактик хатолар билан боғлиқ эканлиги инobatга олиниб, ёш ва ҳудуд кесимида икки гуруҳга ажратилган ҳолда таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: ятрогения, тиббий ёрдам нуқсонлари, комиссион суд-тиббий экспертиза, акушер-гинеколог.

РЕГИОНАЛЬНАЯ И ВОЗРАСТНАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ МЕДИЦИНСКИХ ОШИБОК В АКУШЕРСКО-ГИНЕКОЛОГИЧЕСКОЙ ПРАКТИКЕ (на основе комиссионных судебно-медицинских экспертных заключений)

АННОТАЦИЯ

Введен ретроспективный анализ комиссионных судебно-медицинских заключений по акушерско-гинекологическим случаям, полученных в филиалах Республиканского научно-практического центра судебно-медицинской экспертизы в Хорезмской и Бухарской областях, Республике Каракалпакстан и городе Ташкенте за 2020–2024 годы. Полученные данные были проанализированы, выявлены взаимосвязи между клиническими и морфологическими параметрами, сделаны научные выводы. В 40 случаях ятрогенной патологии установлено, что они связаны с хирургическими, терапевтическими, диагностическими и профилактическими ошибками; случаи были проанализированы по возрастным и региональным группам.

Ключевые слова: ятрогения, дефекты медицинской помощи, комиссионная судебно-медицинская экспертиза, акушер-гинеколог.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

REGIONAL AND AGE-BASED CLASSIFICATION OF MEDICAL ERRORS IN OBSTETRIC AND GYNECOLOGICAL (practice based on commission forensic medical examination reports)

ABSTRACT

A retrospective analysis was carried out on commission forensic medical conclusions related to obstetric and gynecological cases obtained from the branches of the Republican Scientific and Practical Center of Forensic Medical Examination in the Khorezm and Bukhara regions, the Republic of Karakalpakstan, and the city of Tashkent during 2020–2024. The collected data were analyzed to determine the relationship between clinical and morphological parameters, and scientific conclusions were drawn. In 40 cases of iatrogenic pathology, the causes were associated with surgical, therapeutic, diagnostic, and preventive errors. These cases were analyzed by age and regional distribution and divided into two main groups.

Keywords: *iatrogenia, defects of medical care, commission forensic medical examination, obstetrician-gynecologist.*

Кириш

Акушерлик ва гинекология амалиёти тиббиётнинг энг масъулиятли йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу соҳада врач хатолари кўп ҳолларда оғир асоратлар ва беморнинг ўлимига олиб келиши мумкин. Айниқса, операциядан кейинги мезентериал тромбоз каби қон томир асоратлари ўз вақтида аниқланмаса оғир оқибатларга сабаб бўлади (Bick, 2003). Суд-тиббий экспертизада ана шундай ҳолатларни чуқур таҳлил қилиш орқали нафақат врач хатолари, балки ташкилий камчиликлар ҳам очиқ берилади. Замонавий таҳлилларда клиник хатоларни илк босқичда аниқлаш ва уларни тўғри баҳолаш нафақат тиббий амалиёт, балки қонунчилик нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга (Smith & Brown, 2020; WHO, 2016). Олиб борилган тадқиқот ишида амалиётда аниқланган хатолар ва ятроген ҳолатларнинг хусусиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, унинг мақсади ятроген ҳолатларнинг аниқланган сабабларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Шу боис, назорат гуруҳи орқали статистик солиштириш эмас, балки мавжуд ҳолатларнинг тўлиқ таҳлили устувор вазифа сифатида белгиланди. Ятроген патологияларнинг турли кўринишларини ўрганиш, уларнинг кенг қамровли таҳлили амалга оширилди. Шу сабабли, тадқиқот доирасида 150 та комиссия суд тиббий экспертиза хулосалари ўрганилиб шулар орасида аниқланган 40 та ятроген ҳолатлар асос қилиб олинди ва уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолат сифатида таҳлил қилинди.

Тадқиқот мақсади

Акушер-гинекологик тиббий ёрдам нуксонларини суд-тиббий баҳолаш мезонларини янада такомиллаштириш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари

Ўтказилган комиссия суд тиббий хулосалар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Хоразм ва Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридаги филиалларида (2020-2024 йилларда олинган, акушер-гинекологик комиссия эксперт хулосалари бўйича ретроспектив таҳлил ўтказилди. Олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, клиник ва морфологик параметрлар ўртасидаги боғлиқлик аниқланди ва илмий хулосалар чиқарилди.

Тадқиқот натижалари

Тадқиқотимизда ятроген патология аниқланган 40 та ҳолатда хирургик, терапевтик, диагностик ва профилактик хатолар билан боғлиқ эканлигини инобатга олиб уларни қўйидаги икки гуруҳга ажратилди ёш ва вилоятлар кесимида ятроген ҳолатлари таҳлил қилинди.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Олиб борилган илмий изланишлар жараёнида олинган маълумотлар Microsoft Excel 2007/2010, Microsoft Word ҳамда STATISTICA for Windows дастурлари ёрдамида таҳлил қилинди. Статистик таҳлилда мазкур дастурларнинг математик ва график имкониятларидан фойдаланилди. Жадваллар, диаграммалар ва корреляцион боғлиқликлар шу дастурлар орқали шакллантирилди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг аҳамиятлилигини баҳолашда учун Фишернинг аниқ критерийи ёрдамида статистик таҳлил қилинди ва илмий хулосалар келтирилди. Тадқиқотнинг асосий мақсади акушер – гинекологияда шифокор хатоликларининг учраш хусусиятларини таҳлил қилишдан иборат бўлиб, бунинг учун 150 та комиссия ҳолатдан аниқланган 40 та ятроген ҳолатлар асос қилиб олинди. Тадқиқот жараёнида алоҳида назорат гуруҳи шакллантирилмаган, илмий ишнинг асосий вазифаси ятроген ҳолатларнинг пайдо бўлиш механизмини, уларнинг ривожланиш жараёни ва амалиётдаги аҳамиятини ёритишга қаратилган бўлиб, бунинг учун реал клиник ҳолатлар ўрганилди. Назорат гуруҳининг киритилиши тадқиқот мақсадига тўғридан-тўғри хизмат қилмаслиги мумкин эди, чунки бу ерда норманинг ўзи эмас, балки патологиянинг таҳлили устувор аҳамиятга эга бўлади. Шу боис, тадқиқотда фақат мавжуд клиник ҳолатлар таҳлил қилинди.

Тадқиқотда амалга оширилаётган ҳолатларни вилоят, туман ва шаҳар кесимида гуруҳларга ажратиш

I Жавдал.

№	Вилоят	Туман-Шаҳар	p1
1	Хоразм	Урганч шаҳар	p = 0.039
2		Урганч туман	p = 0.039
3		Қўшқўнир туман	p = 0.039
4		Боғот туман	p = 0.039
5		Гурлан туман	p = 0.039
6		Хозарасп туман	p = 0.039
7		Хонқа туман	p = 0.039
8	Бухоро	Бухоро шаҳар	p = 0.55
9		Ғиждувон туман	p = 0.55
10		Вобкент туман	p = 0.55
11	Қорақолпоғистон	Нукус шаҳар	p = 0.093
12		Амударё туман	p = 0.093
13		Элликқала туман	p = 0.093
14		Қўнғирот туман	p = 0.093
15		Шуманай туман	p = 0.093
16		Хўжайли туман	p = 0.093
17	Тошкент	Тошкент шаҳар	p = 1.000
18		Тошкент вилоят	p = 1.000

Изланишлар давомидида учраган ятроген ҳолатлар вилоятлар кесимида статистик таҳлил қилиниб 40 та ҳолатдан Хоразм вилоятида 14, Бухоро вилоятида 6, Қорақолпоғистон республикасида 12, Тошкент шаҳар 7, Тошкент вилоятида 1 тадан ятроген ҳолатлар аниқланди.

Вилоятлар кесимида ёшга нисбатан гуруҳларга ажратиш

II Жавдал.

№	Ёш гуруҳи	Хоразм	Бухоро	Қорақолпоғистон	Тошкент	Умумий
1.	21-30	2	1	4	5	12




URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

2.	31-40	7	3	6	2	18
3.	41-50	3	1	2	1	7
4.	51-60	2	1			3
5.	Ум ҳолат	14	6	12	8	40

1-расм



21-30 ёшлилар гуруҳида 12 та ҳолат аниқланган бўлиб, уларнинг: 2 таси Хоразм вилоятида, 1 таси Бухоро вилоятида, 4 таси Қорақолпоғистон республикасида, 5 таси Тошкент шаҳрида қайд этилган. **31-40 ёшлилар гуруҳида** 18 та ҳолат кузатишган, уларнинг: 7 таси Хоразм вилоятида, 3 Бухоро вилоятида, 6 таси Қорақолпоғистон республикасида, 2 таси Тошкент шаҳрида қайд этилган. **41-50 ёшлилар гуруҳида** 7 та ҳолат кузатишган, уларнинг: 3 таси Хоразм вилоятида, 1 Бухоро вилоятида, 2 таси Қорақолпоғистон республикасида, 1 таси Тошкент шаҳрида қайд этилган. **51-60 ёшлилар гуруҳида** 3 та ҳолат кузатишган, уларнинг: 2 таси Хоразм вилоятида, 1 Бухоро вилоятида, Қорақолпоғистон ва Тошкентда бу ёш гуруҳига оид ҳолатлар кузатилмаган.

Умумий натижаларга кўра

Хоразм вилоятида–14, Бухоро вилоятида–6, Қорақолпоғистон республикасида-12, Тошкент шаҳрида-8 та ҳолат қайд этилган. **Умумий ҳолатлар сони 40 та.** Ятроген ҳолатлар 31-40 ёшлилар орасида нисбатан кўпроқ учрапти (18та).

Хулоса

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, акушер-гинекологик амалиётда учрайдиган шифокор хатоликлари кўп ҳолларда ятроген патологиялар шаклланишига олиб келиши аниқланди. Республика суд-тиббий экспертиза марказининг турли ҳудудлардаги филиалларида 2020–2024 йилларда ўтказилган 150 та комиссия хулосалардан 40 тасида ятроген ҳолатлар қайд этилди. Улар асосан хирургик, терапевтик, диагностик ва профилактик йўналишлардаги хатолик билан боғлиқ экани маълум бўлди.

Ҳудудий таҳлил натижасида ятроген ҳолатлар энг кўп Хоразм вилоятида (14 ҳолат) ва Қорақолпоғистон Республикасида (12 ҳолат) кузатишгани қайд этилди. Ёшга нисбатан эса ятроген патологиялар кўпроқ 31–40 ёшлилар гуруҳида (18 ҳолат) учрагани аниқланди. Бу



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

ҳолат ёш мутахассислар ва тажрибаси кам шифокорлар томонидан хатоларга йўл қўйилиш эҳтимоли юқорилигини кўрсатади.

Статистик таҳлилда ҳудудлар бўйича фарқлар аҳамиятли даражада экани Фишернинг аниқ критерийи ёрдамида тасдиқланди ($p < 0,05$). Бу эса аниқланган ятроген ҳолатларнинг тасодифий эмас, балки амалий жиҳатдан аҳамиятли эканини кўрсатади.

Шу асосда, келгусида акушер-гинекологик ёрдамда ятроген ҳолатларнинг олдини олиш учун:

1. Мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш,
2. Ташхис ва даволаш стандартларига қатъий риоя қилиш,
3. Комплекс назорат ва мониторинг тизимини йўлга қўйиш,
4. Ҳатоларнинг сабабларини таҳлил қилиш ва уларни баргараф этиш бўйича амалий тавсияларни жорий этиш зарур.

Олинган натижалар акушер-гинекологик амалиётда шифокор хатоликларини камайтириш, бемор хавфсизлигини таъминлаш ва тиббий ёрдам сифатига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bick, R. L. (2003). Cancer-associated thrombosis. *New England Journal of Medicine*, 349(2), 109–111. <https://doi.org/10.1056/NEJMp038099>
2. Royal College of Obstetricians and Gynaecologists. (2015). *Reducing the risk of venous thromboembolism during pregnancy and the puerperium* (Green-top Guideline No. 37a). London: RCOG.
3. Smith, J., & Brown, P. (2020). Medical errors in gynecological practice: A forensic analysis. *Journal of Obstetrics and Gynecology Research*, 46(5), 789–795. <https://doi.org/10.1111/jog.14230>
4. World Health Organization. (2016). *Patient safety: Making health care safer*. WHO Press. <https://www.who.int>
5. Кедров, В. С. (2005). О терминологии профессиональных правонарушений медицинских работников. В *Перспективы развития и совершенствования судебно-медицинской науки и практики* (материалы VI Всероссийского съезда судебных медиков, посвященные 30-летию Всероссийского общества судебных медиков), Москва–Тюмень, 126–127.
6. Лузанова, И. М. (2007). *Ненадлежащее оказание помощи в акушерской практике (медико-правовые аспекты проблемы)* (автореф. дисс. канд. мед. наук). Москва.
7. Риков, В. А. (2003). Медицинская и правовая оценка ятрогенных заболеваний. *Медицинское право*, 4, 41–47.
8. Сергеев, Ю. Д., & Ерофеев, С. В. (1998). Ятрогенная патология — актуальная судебно-медицинская проблема. *Судебно-медицинская экспертиза*, 6, 3–8.
9. Шадимов, А. Б., Колесников, А. О., & Льютикова, Н. И. (2012). Особенности проведения комиссионных судебно-медицинских экспертиз по “врачебным делам” акушерско-гинекологического профиля. *Вестник судебной медицины*, 1(4), 11–15.
10. Baek, G. H., & Chung, M. S. (2002). Methicillin-resistant staphylococcus aureus osteomyelitis of the scaphoid from a catheter in the radial artery. *Journal of Bone and Joint Surgery. British Volume*, 84(2), 273–274.
11. FIGO Committee. (2003). Recommendations on ethical issues in obstetrics and gynecology by the FIGO committee for the ethical aspects of human reproduction and women's health. *International Journal of Gynecology and Obstetrics*, 82(3), 299–305.
12. Quinlan, D. J., Alikhan, R., Gishen, P., et al. (2003). Variations in lower limb venous anatomy: Implications for ultrasound diagnosis of deep vein thrombosis. *Radiology*, 228(2), 443–448.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

13. Wikstrom, A. K., Haglund, B., Olovsson, M., & Lindeberg, S. N. (2005). The risk of maternal ischaemic heart disease after gestational hypertensive disease. *BJOG*, 112(11), 1486–1491.
14. Zetterstrum, K., Lindeberg, S., Haglund, B., et al. (2007). Being born small for gestational age increases the risk of severe preeclampsia. *BJOG: International Journal of Obstetrics and Gynaecology*, 114(3), 319–324.
15. Elsasser, D. A., et al. (2010). Diagnosis of placental abruption: Relationship between clinical and histopathological findings. *European Journal of Obstetrics & Gynecology and Reproductive Biology*, 148(2), 125–130. <https://doi.org/10.1016/j.ejogrb.2009.10.005>
16. Kalandarov, J. K., & Ruziev, S. I. (2023). Iatrogenic pathology in the practice of a gynecologist. *Medical and Natural Sciences*, 4(4), 504–508. ISSN: 2660-4159.
17. Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази архив материаллари (2015–2024).

